Қаттот (пинҳона гап пойлаб, сўнг уни етказадиган одам) жаннатга кирмайди», – деганларини эшитдим», – дедилар

Ҳузайфа разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Қаттот (пинҳона гап пойлаб, сўнг уни етказадиган одам) жаннатга кирмайди», – деганларини эшитдим», – дедилар.
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда одамларни орасини бузиш учун гап ташийдиган киши жаннатга кирмай, жазо олишга хақли эканини хабар бермоқдалар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5368